



«КЕЛИШИЛДИ»

Ўзбекистон Журналистлар ижодий
уюшмаси раиси

О.А. Ўсаров
2021й.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент шаҳар хокимлиги “Ягона
буортмачи хизмати” ИК
директор в.б.

С.Ш. Орипов
2021й.

“Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 16-үй
манзилида жойлашган бинонинг бир қисмида Ўзбекистон Миллий матбуот
маркази жойлашган хоналарини капитал таъмирлаш” обьекти бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 20 октябрдаги 362-14-0-Q/21-сонли қарори билан
бинода капитал таъмирлаш ишлари олиб бориш белгиланган.

Ер майдони – 1.956 m^2

Бино ва иншоатларнинг умумий майдони – 2.300 m^2

Бинони капитал таъмирлаш ишларининг асосий параметрлари:

“Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 16-үй манзилида жойлашган
бинонинг бир қисмида Ўзбекистон Миллий матбуот маркази жойлашган хоналарини капитал
таъмирлаш” обьекти бўйича асосий демонтаж ишларига қўйидагилар кўзда тутилиши керак.

Ушбу бино режа бўйича учбурчак шаклида жойлашган бўлиб, жуда кўп функционал
вазифаларни бажариши мумкин бўлган З қаватлик майдондан ташкил топган.

Таъмирлашда замонавий қурилиш материаллардан фойдаланиш зарурлиги ҳисобга
олинсин.

Бинонинг ҳар қаватида пол қисмини алмаштириш, янгилаш.

Техник жиҳозлар ва мебеллар лойиҳада кўзда тутилсин.

- бинонинг кириш қисми фасадига “Журналистлар уйи” ёзувини ўрнатиш;
- бино кириш қисми фасадига ўрнатилган кўп энергия сарфловчи ва ҳозирда яроқсиз холга
келган электрон таблони замонавий лед таблога алмаштириш;

Кириш қисми (Фойе):

- девор юзаларининг бўялиши, электр тармоқларининг алмаштирилиши, ёритиш
ускуналари ўрнатиш;
- асосий кириш фойе қисмида фуқароларни рўйхатга олиш (ресепшин) ташкил этиш;
- асосий кириш фойе қисмида Президент Шавкат Мирзиёев сўзларидан иктибос (цитата)
бурчаги ташкил этиш (ёғоч материалидан фойдаланиб, архитектуравий кўринишни
шакиллантириш);
- устунлар (колонна) ёғоч материалидан қопланиб, архитектуравий кўринишни
шакиллантириш;
- иситиши радиаторларининг янгиланиши;

Бинонинг 1-қават хизмат хоналарини таъмирлаш ишлари.

Уюшмага ажратиб берилган 1 қават бўлинмаси бўйича:

- умумий майдони-343,7 м²
- фойдали майдони-327,5 м².

Зта хона профилдан карказ ўрнатилиб ораларини минерал пахта билан изоляция қилиниб икки қаватлик намлика чидамли гипсокартон (ГКЛ) билан қоплаш;

-эшик блоклари МДФ панеллари (биноларни технологик мақсади ҳисобга олган ҳолда) билан таъминлаш.

-хоналардаги ойна, дераза ромлари ва қўшимча анжомлари технологик холатини ҳисобга олган ҳолда таъмирланиши ва дераза ички (подоконник) қисми пластик материалидан ўрнатиш.

- деразаларгә замонавий жалюзи пардалари ўрнатиш;

Хонанинг ички қисмини безашни таъминлаш:

- барча хоналар деворлари сувга асосланган бўёқ (водоэмulsionная) билан бўялиши;

- таъмирланиши керак бўлган хоналардаги пол қисмини ўз ўзини текисловчи замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда мавжуд бўлган қоплама материалини янгилаш қоплаш ишлари;

- пол четларига плинтус ишлатиш;

-коридор девор юзаларини сувга асосланган бўёқ (водоэмulsionная ва гул қофозлардан) фойдаланиш зарурлигини ҳисобга олиш;

-коридор пол юзалари таъмирланиши керак бўлган қисмини ўз ўзини текисловчи замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда юқори сифатли сапол кафеллари билан қоплаш;

- барча хоналардаги иситиш радиаторларининг янгиланиши;

Санузел ва ювениш бўлинмасини девол, пол юзалари сув ва нам шароитларга чидамли юқори сифатли сапол кафеллари билан қопланиб, шифт қисми пластик материалларидан қўллаш.

-замонавий гидроизоляция материалларидан тайёрланган гидроизоляция қопламаларини қўллаш.

-санузел ва ювениш бўлинмасига замонавий, қулай техник жиҳозлар ўрнатилиши тамиллансин.

-маълум бир хоналарга раҳбарият билан келишилган ҳолда сигнализация тизимини ўрнатиш, видеокузатув ўрнатилишини кўриб чиқиш;

-бинода жойлашган ҳар бир ишчи ходим учун ажратилган жой учун электр таъминоти, интернет тармоғининг етиб боришини ҳар бир қаватда таъминлаш;

-ҳар бир қаватдаги тадбирлар ўтказиш учун ажратилган маҳсус катта-кичик залларни замонавий интеръерлардан фойдаланган ҳолда, сўнгги русумдаги овоз ёзиш ускуналари, тармоқлари билан жиҳозлаш;

-электр таъминотини, хавфсизлигини қайта кўриб чиқиш UPS, АДЭС;

-юқори (3) қаватда жойлашган маҳсус конференц залда бошқарув ва вилоят бўлимлари ўртасида жонли мулоқот/селектор йиғилишлари, видеоселекторлар ўтказилиши учун зарурый тармоқ кабелларини ётқизиш;

- видеоконференция ўтказилишини ташкиллаштиришда кабель тармоқлари замонавий талаблар асосида қайта жиҳозлаш, уланишини таъминлаш;

Рахбар қабул хонасини таъмирлаш ишлари:

- эшик қисми МДФ эшик ромларидан ўрнатиш;
- девор қисмини сув аралашмали бўёқ билан бўяш/ гулқоғоз материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;
 - таъмирланиши керак бўлган хоналардаги пол қисмини ўз ўзини текисловчи замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда мавжуд бўлган қоплама материалини янгилаб қоплаш ишлари;
 - пол четларига плинтус ишлатиш;
 - иситиш радиаторлари янгилаш;
- санузел ва ювениш бўлинмасини девол, пол юзлари сув ва нам шароитларга чидамли юкори сифатли сапол кафеллари билан қопланиб, шифт қисми пластик материалларидан қўллаш.
- замонавий гидроизоляция материалларидан тайёрланган гидроизоляция қопламаларини қўллаш.
- санузел ва ювениш бўлинмасига замонавий, қулай техник жиҳозлар ўрнатилиши тамиллансин.

Бинонинг ертўла қаватида хизмат хоналарини таъмирлаш ишлари:

- умумий майдони-502 м²
- фойдали майдони-772,1 м²
- кофе-брейк хонаси;
- уюшманинг кутубхонаси, архиви ва омборхонаси;
- профессионал видео дастурлар ёзиш учун маҳсус бурчаклар (расмий муносабатлар, интервью, давра сұхбатлари, мұхокама ва нашрлар учун) ташкил қилиш;
- овоз ёзиб олиш ва монтаж ишлари учун маҳсус студияни замонавий талаблар асосида таъмирлаш;
- тиббиёт хонаси, спорт зал релин (линолеум/ковролан) материали билан қоплаш;
- китобхонлар, газетхонлар ва мұхокамалар учун маҳсус ўқиши хонаси, ҳайдовчилар хонаси ташкил этиш;
- медиамарказ ташкил этиш, унинг таркибида замонавий талабларга мос жиҳозланган овоз ёзиш студияси ташкил этиш;
- икки контурли қозонхона ўрнатиш.

Мұхандислик ускуналари:

Бино иситишда ертўла қаватида икки контурли қозонхона ўрнатиш, шамоллатиш, майший ичимлик суви ва ёнгинга қарши сув таъминлаш, канализация, дренаж (*санитария иншоотлари, ювениши хоналари ва душининг эҳтиёжлари ҳајжими ва сонини ҳисобга олган ҳолда*), электр таъминоти, электр жиҳозлари, телефон алоқалари, автоматик ёнгин сигнализацияси;

Техник текширувлар натижаларига кўра, иш фаолиятини йўлга қўйишида зарурий алоқа кабеллари, электр кабеллари, тизимли тармоқ кабеллари ва умумий коммуникация ҳамда ўзаро алоқа учун зарурий кабелларни улаш ва ётқизиш;

Бинода жойлашган ички санузел трубаларини яроқлилик холатини текшириш, яроқсиз ҳолатга келгандарини янгисига алмаштириш;

Сув таъминоти ва канализация:

Бинода совук, иссиқ ичимлик ва ёнгинга қарши сув таъминоти тизимини таъминланг. Полипропилен қувурлари, электр билан пайвандланган пўлатли қувурлар (ПВХ, ХВС ва ГВС d=20мм, d=32мм, отвод 90). Санузел хоналарига (отвод d=200мм) ўрнатиш.

Электр қурилмалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 161 сонли карори., Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981 сонли карори ижроси бўйича ўрнатилган тартибда электр ускуналарни ўрнатиш.

Барча хоналарни ёритиш LED панеллари томонидан амалга оширилиши, тақсимлаш шити, (кабел ВВГ Нг 2,5x2 150 пм) ва барча қаватлардаги фавқулодда ёритишни таъминлаши керак. Кўшимча равиша девор розеткаларини ўрнатиш, маълумотлар киёскаси (инфо киёска), электрон навбат тизимини ўрнатиш замоновий компьютерлар.

Алоқа ва сигнализация

Ёнгин хавфсизлиги талаблари ШНҚ 2.01.02-04 талабларига асосан бажарилсин. Бинонинг барча бўлинмалари ёнгин ва хавфсизлик сигнализацияси билан жиҳозланган бўлиши керак, терминал (масофадан бошқариш пулти) сигнализация мосламасининг қўриқлаш бўлинмасига чиқиши лозим. Телефон алоқа тизими ўрнатиш. Мавжуд кузатув тизимини таъмирлаш.

